

Поклик иймоннинг ярмидир

08:05 / 10.11.2017 4425

Абу Молик Ҳорис ибн Осим ал-Ашъарий розияллоҳу анҳудан ривоят қилинади:

Расулуллоҳ соллаллоҳу алайҳи васаллам:

“Поклик иймоннинг ярмидир. «Алҳамдулиллаҳ» тарозуни тўлдиради. «Субҳоналлоҳи валҳамдулиллаҳ» ер билан осмон ўртасини тўлдиради. Намоз нурдир. Садақа ҳужжатдир. Сабр зиёдир. Қуръон сенинг фойданга ёки зарарингга ҳужжатдир. Ҳар кимса тонг оттириб, нафсини савдо қилади. Бу билан уни озод қилади ёки ҳалок қилади», дедилар.

Имом Муслим ривоятлари.